O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
22 OKTABR
SESHANBA
№ 131 (26.990)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ҲАМФИКРЛИК ҲАМКОРЛИККА, ҲАМКОРЛИК ЭСА ТАРАҚҚИЁТГА БОШЛАЙДИ

Суратда: учрашувдан лавҳа.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

20 октябрь куни Польша Республикаси Президенти Александер Квасневский расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Душанба куни «Дўрмон» қароргоҳида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан Александер Квасневскийнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатлар ва минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ кўплаб долзарб масалалар, шунингдек, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар муҳокама қилинди.

Президент Ислом Каримов Польша раҳбарининг Ўзбекистонга бу ташрифи ўзаро дипломатия муносабатлари ўрнатилганига ўн йил тўлган пайтга тўғри келганида рамзий маъно борлигини қайд этди. Шу жиҳатдан уни тарихий ташриф деб аташ мумкин.

Ўзбекистон ва Польша расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокараларида ўзаро савдо-иқтисодий муносабатлар, ҳарбий-техникавий, маданий, ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон аҳли Польшадаги жараёнларни диққат билан кузатиб келаётгани, ушбу мамлакатнинг имконият ва салоҳиятини, айниқса, бозор ислоҳотларини амалга ошириш ва Европа Иттифоқи сафидан жой олиш борасидаги ютуқларидан яхши хабардорлигини таъкидлади. Бугунги учрашувлар эса шундай давлат билан ҳамкорлик самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбари ўзаро муносабатларни ривожлантиришга доир бир неча таклифни ўртага ташлади.

Сиёсат борасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг қуйи органлари, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти каби нуфузли халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва кўп томонлама ҳамкорликни давом эттириш мамлакатларимиз манфаатларига бирдек мос. Хусусан, экология муаммолари ва интеграцияни кенгайтириш борасида Ўзбекистон билан Польшанинг ҳамфикрлиги муҳим аҳамиятга эга. Зеро, мамлакатларимиз номи зикр этилган ташкилотларда бир минтақа ичига олинган. Хавфсизлик масаласига келганда, НАТО аъзоси бўлган Польша билан кадрлар тайёрлаш, ахборот алмашиш, махсус бўлинмалар тузиш каби ишларда самарали ҳарбий-техникавий ҳамкорлик қилиш мумкин.

Савдо-иқтисодий соҳадаги алоқалар тўғрисида сўзлар экан, Президент Ислом Каримов бу борадаги кўрсаткичлардан икки томон ҳам қониқмаслигини таъкидлади. Бу табиий. Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми атиги 31,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ҳолбуки, иқтисодий ҳамкорлик учун кенг фаолият майдони мавжуд.

Иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун кучли ҳуқуқий асос ҳам яратилган. Президент Ислом Каримовнинг 1995 йили Польшага бўлган расмий ташрифи чоғида ишбилармонлар фаолияти учун ўзаро имкон қадар кўпроқ қулайликлар яратиш тўғрисида келишиб олинган эди. Лекин таъкидланганидек, ҳамкорлик кўлами имкониятлар даражасида эмас.

Ислом Каримов тўқимачилик, қурилиш, энергетика, озиқ-овқат саноати маҳсулотлари, мебель ва рангли металлар каби товарлар айирбошланиши жуда фойдали эканлигини таъкидлади. Польша сармоядорларини Ўзбекистондаги хусусийлаштириш жараёнида фаол иштирок этишга чорлади.

(Давоми 2-бетда)

ХДП ХАБАРИ

ПАРТИЯ ҲАЁТИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг 21 октябрь куни бўлиб ўтган мажлисида муҳокама қилинди. Улар орасида **«Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг республика Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлис IX сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалари ҳақида»**ги масала асосий ўринни эгаллади. Сиёсий ижроқўмнинг шу масала бўйича қабул қилган қарорида таъкидланишича, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги кенг қамровли дастурий маърузасида мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг муҳим масалалари, амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига эътиборни қаратди. У, жумладан, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш вазифаларига тўхталиб, мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ва ҳаракатларни ҳозирги заиф ва мўрт ҳолатдан чиқиб, ўз фаолиятларини жонлантиришга, ҳақиқий кўппартиялилик ва демократик парламентаризм тизими, ижобий сиёсий рақобат муҳитини қарор топтиришга ҳисса қўшишга даъват этди.

МК Сиёсий ижроия қўмитаси ушбу фикрлар Ўзбекистон ХДПга ҳам бевосита таалуқли эканлигини эътироф этиб, партия ташкилотларининг, Олий Мажлис IX сессиясидаги Юртбошимиз маърузасидан келиб чиқадиган, вазифаларини белгилади. Улар сирасига ХДП аъзолари томонидан мазкур маърузанинг мазмун-моҳияти ўрганилишини ташкил қилиш, уни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишда фаол иштирок этиш, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари ҳамда «Мулоқот» журналида мақолалар чоп эттириш, партия ташкилотлари фаолиятининг барча соҳалари, хусусан, парламентчилик ишини янада такомиллаштириш ва бошқа чора-тадбирлар киради.

Сиёсий ижроқўм ушбу вазифалар бажарилишини таъминлаш доирасида партиянинг марказий ва маҳаллий тузилмалари ҳамда матбуот нашрлари таҳририятлари амалга оширишлари лозим бўлган Тадбирлар режаси ва уларга услубий кўмак тарзидаги Намунавий мавзулар рўйхатини тасдиқлади.

Мажлисда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов раҳбарлигидаги республика ҳукуматининг ислоҳотлар сиёсати, Ўзбекистон ХДПнинг Дастури қоидаларини кенг тарғиб этиш ва рўёбга чиқариш, унинг обрў-эътиборини оширишга шахсан катта ҳисса қўшаётганликлари ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигининг 11 йиллиги муносабати билан, **партия фаолларидан бир гуруҳининг номларини Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши «Эҳтиром китоби»га киритиш ва Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Фахрий ёрлиқлари билан мукофотлаш** тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

МК Сиёсий ижроқўми мажлисида партия ички ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ХАЛҚ

Дунёда мантиқсиз ҳеч иш бўлмайди,
Томчи йиғилмаса жом ҳам тўлмайди.
Биз томчи эрурмиз, халқ эса уммон,
Халқ ўлмас, томчи ҳам, демак, ўлмайди.

Абдулла ОРИПОВ
2002 йил 16 октябрь.

САМАРАЛИ ВА САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

«Дўрмон» қароргоҳидаги музокаралар ниҳоясига етгач, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Польша Республикаси Президенти Александер Квасневский икки мамлакат ишбилармон доираларининг бизнес-форумида иштирок этиш учун «Интерконтинентал» меҳмонхонасига келди.

Ўзбекистон билан Польша кенг миқёсда ҳамкорлик қилиш учун жуда катта имкониятларга эга, деди давлатимиз раҳбари мазкур анжуманда. Лекин шундай бир пайтда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айланмаси 31,4 миллион АҚШ долларини ташкил этиши икки томонни ҳам қониқтирмайди.

Ислом Каримов энергетика, кишлоқ ва сув хўжалиги, йўл ва кўприклар қурилиши, транспорт ва коммуникация, сайёҳлик соҳасида яхши тажрибага эга Польша ишбилармонлари эътиборини бизнеснинг дастлабки шарти — Ўзбекистондаги осойишталик ҳамда барқарор ривожланаётган иқтисодиётга қаратди. Пахта хомашёсидан ташқари, нефть, газ, рангли металлар заҳирасига жуда бой мамлакатимизда хорижий сармоядорлар учун барча қулайликлар яратилган. Бир сўз билан айтганда, турли соҳаларда ҳамкорликни чуқурлаштириш учун кафолатланган муҳит мавжуд.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, Польша ишбилармонлари XIII асрдаёқ Темурийлар давлати билан савдо-сотиқ алоқаларини йўлга қўйган, деди Александер Квасневкий. Демак, ҳамкорликни кенгайтириш учун мустаҳкам пойдевор бор. Ўзбекистон танлаган йўл, ўн бир йилда эришилган ютуқларни юксак қадрлаган ҳолда айтмоқчиманки, иқтисодий алоқаларни кенгайтириш учун икки мамлакат ишбилармонлари, биринчи навбатда, ўзаро кундалик ахборот алмашувини йўлга қўйиши зарур.

Бизнес-форумда Ўзбекистон билан ҳамкорлик Польша ишбилармонлари учун минтақадаги бошқа мамлакатлар бозорига кириб боришга кенг имконият яратиши алоҳида таъкидланди. Жумладан, Афғонистонни тиклашда қатнашмоқчи бўлган мамлакатлар учун Амударё портидан фойдаланиш энг қулай ва арзон восита эканлиги ҳақида сўз борди.

Шу куннинг ўзида Польша Республикаси Президенти Александер Квасневский Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов ҳамроҳлигида пойтахтимиздаги католиклар черковини бориб кўрди. Маҳаллий поляклар билан суҳбатлашди. Ўзбекистонда полякларга кўрсатилаётган муносабат ва яратилган шароитдан мамнуният билдирди.

Польша Президенти аждодларга ҳурмат рамзи сифатида генерал Владислав Андерс ёдгорлиги пойига гул қўйди. Польшанинг Ўзбекистондаги элчихонаси фаолияти билан танишди.

Александер Квасневский, шунингдек, Олий Мажлис раиси Эркин Халилов билан учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Польша қонунчилик соҳасида ҳам ўзаро тажриба алмашиш, демократик институтлар фаолиятини ривожлантириш йўлида самарали ҳамкорлик қилиши мумкинлиги айтиб ўтилди.

■ **(ЎзА)**

«ОЗОД МАМЛАКАТНИНГ ОЗОД ФАРЗАНДИ, БИЛИБ ҚЎЙКИ СЕНИ ВАТАН КУТАДИ!»

фототанловига



Кувончлар тошади юракда. Кулгулар жаранги тутар оламни. Кўксида Ватан бор шу болаларни қадами элтади ёруғ кунларга.

✧✧✧

Суратда: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туманидаги 64-мактаб ўқувчилари.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

ФАХРЛИ ИККИНЧИ ЎРИН НАСИБ ЭТДИ

Кеча Ҳайдарободдаги Раможи Фильм Сити деб номланган мўъжаз ва мафтункор киночилар шаҳарчасида шахмат бўйича Жаҳон кубоги мусобақалари ниҳоясига етди.

Дунёнинг 24 мамлакатидан ташриф буюрган шахмат усталари ўртасида бўлиб ўтган дастлабки ўзаро беллашувлар босқичларининг натижаси ўлароқ, эркаклар ўртасида финалга йўлланма олиш ўзбекистонлик иқтидорли шахмат устаси Рустам Қосимжонов ва ҳиндистонлик шахматчи Вишванатан Анандга насиб этган эди.

20 октябрь куни бу ерда икки ўйиндан иборат финал мусобақалари бўлиб ўтди. Биринчи ўйинда икки муносиб рақибнинг кучлари ўзаро тенг келди — беллашув дуранг натижа билан якунланди. Жаҳон кубоги финал босқичининг ҳал қилувчи иккинчи ўйинида эса ҳиндистонлик 33 ёшли шахмат устаси Вишванатан Анандга омад кулиб боқди — 29 юриш унинг ғалабасини таъминлади.

Шу тариқа ҳамюртимиз Рустам Қосимжоновга шахмат бўйича жаҳон кубогининг фахрли иккинчи ўрини насиб этди. Россиялик А.Дреев ҳамда словениялик шахматчи А.Белявский кейинги ўринларни эгаллашди. Аёллар ўртасида эса хитойлик Сюй Юйхуа ушбу мусобақа ғолиблигини қўлга киритди.

— Раможи Фильм Ситидаги ушбу Жаҳон кубоги беллашувлари ҳадемай Словенияда бошланадиган шахмат бўйича Жаҳон олимпиадаси олдидан менга жуда катта мактаб бўлди, — деди Р.Қосимжонов «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида. — Словениядаги олимпиада беллашувларида 3 мингга яқин шахмат устаси иштирок этади.

Кези келганда алоҳида таъкидлаш жоизки, интиҳосига етган мазкур Жаҳон кубоги сингари нуфузли халқаро мусобақаларда мамлакатимиз шахмат усталарининг тенглар ичра тенг ва муносиб рақиб сифатида иштирок этишининг ўзиёқ нафақат ўзбек шахматининг, балки умуман мамлакатимиз спортининг истиқболи порлоқ эканидан далолат беради.

■ **Шуҳрат УМИРОВ,**
«Жаҳон» АА
Дехли

МАДАНИЯТ — ДЎСТЛИК МАНБАИ

Полша Республикаси Президенти Александер Квасневскийнинг мамлакатимизга расмий ташрифи давомида унинг рафиқаси Иоланта Квасневская Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг рафиқаси Татьяна Каримова ҳамроҳлигида Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетига ташриф буюрди. Улар мазкур университетнинг журналистика факультетида жойлашган Польша маданият ва тил марказининг очилишида иштирок этди. Шунингдек, бу ерда поляк тилини ўрганаётган талабалар билан учрашув бўлиб ўтди.

Ушбу марказ Польша Республикаси Сенати, Польшанинг мамлакатимиздаги элчихонаси ва Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ташаббуси билан ташкил этилди. Учрашувда марказнинг очилиши мамлакатларимиз ўртасида ривожланиб бораётган ҳамкорлик самараси эканлиги таъкидланди. Марказ поляк халқининг бой маданияти, тарихи ва анъаналари тўғрисида билим олиш имконини берадиган барча зарур техника ҳамда адабиётлар билан таъминланган. Университетнинг славян филологияси факультетида эса икки йилдан буён поляк тилини ўрганиш бўйича махсус гуруҳлар фаолият кўрсатиб келмоқда.

Иоланта Квасневская талабалар билан ўтказилган учрашувда Польшада ҳам Ўзбекистонга қизиқиш катта эканлигини таъкидлади. Маданиятларимизнинг бир-бирини бойитиши икки халқ ва давлат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтиришга хизмат қилади.

Талабалар юқори мартабали меҳмонга ўз маданий дастурини намойиш этди. Унда мамлакатимиз адабиёт ихлосмандларига яхши таниш, машҳур поляк шоири Адам Мицкевичнинг шеърлари, ўзбек ва поляк халқ қўшиқлари янгради.

Шу куни Иоланта Квасневская пойтахтимиз марказидаги Сайилгоҳда ҳам бўлди ва бу ерда намойиш этилган халқ ижодиёти ҳамда ҳунармандчилиги намуналари билан танишди.

■ **(ЎзА)**

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР ЛИЦЕЙИ

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилда қабул қилинган «Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори республикамизда санъатни ривожлантиришга қаратилган улкан қадам бўлди.

Тошкентда Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори асосида ташкил этилган Ўзбекистон давлат консерваториясининг ҳузуридаги Иқтидорли болалар академик лицейининг очилиш маросими бўлди.

Тадбирда сўзга чиққан маданият ишлари вазири Б.Қурбонов мамлакатимизда миллий ва замонавий мусиқа санъатини янада ривожлантириш, бу жабҳада иқтидорли ёшларни аниқлаб, уларнинг ижодий қобилиятини намоён этишга муҳим эътибор берилаётганини таъкидлади.

Номи зикр этилган қарорга мувофиқ Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузурида ташкил этилган иқтидорли болалар академик лицейига жорий ўқув йилида қиркдан ортиқ истеъдодли йигит-қиз қабул қилинди. Уч йил давомида 125 талабага билим бериш ва мусиқа сирларини ўргатиш режалаштирилган.

Мазкур билим масканида консерваторияда мавжуд барча йўналишлар бўйича ёшларга сабоқ берилади. Дарслар олиб бориладиган хоналар компьютер техникаси билан жиҳозланган. Лицей ўқувчилари санъат сирларини ўрганиш баробарида, замонавий технологиялар, хорижий тиллар ва ўрта мактабда ўтиладиган барча фанлар бўйича сабоқ олади.

Тадбирда Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов иштирок этди.

■ **Б.ХИДИРОВА,**
ЎзА мухбири

ҲАМФИКРЛИК ҲАМКОРЛИККА, ҲАМКОРЛИК ЭСА ТАРАҚҚИЁТГА БОШЛАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўз даврида Польша қишлоқ хўжалигида туб бурилишлар ясашга муваффақ бўлган эди. Ҳозир мамлакат бу соҳада маҳсулот етиштириш борасида дунёда юқори ўринлардан бирига чиқиб олган. Президент Ислом Каримов икки мамлакат фермерларининг ҳамкорлиги, тажриба алмашиши ҳам фойдадан холи бўлмаслигини қайд этди. Бу йўналиш номи зикр этилган саъй-ҳаракатлар билан бирга ривожлантирилса, гап икки мамлакатнинг ҳудудий-маъмурий бирликлари ўртасидаги бевосита алоқаларга бориб тақалади. Икки мамлакат ҳамкорлигининг ривожида уларнинг ўзаро муносабати қай даражада тараққий этгани муҳим ўрин тутади, албатта.

Айни пайтда авиация транспорти соҳасида ҳам ҳамкорлик кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Алоқалар тобора ривожланаётгани, борди-келди кўпайишини ҳисобга олиб, Тошкент билан Варшава ўртасида ҳаво қатновини йўлга қўйиш, кейинчалик транзит ҳисобига бу алоқаларни янада кенгайтириш имконияти мавжуд.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон билан Польша халқаро миқёсдаги йирик лойиҳаларда бирга иштирок этиши мумкинлигини таъкидлади. Хусусан, томонларнинг саъй-ҳаракатлари бирлаштирилса, Афғонистондаги тикланиш ишларида муваффақиятли иштирок этиш имконияти катта.

Булардан ташқари, маданий, илмий, гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ҳам янада ривожлантириш керак. Олий ўқув юртлари, маданият марказлари каби мазкур соҳаларда фаолият юритувчи турли муассасалар вакилларининг мулоқотлари, борди-келдиларини кўпайтирмоқ зарур. Зеро, мамлакатлараро муносабатлар ривожида «халқ дипломатияси», икки юрт одамларининг бир-бирини қанчалик яхши билиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Польша томони ушбу таклифларнинг барчасини маъқуллади. Бу масалаларнинг амалий жиҳатларини ишлаб чиқиш икки мамлакатларнинг ҳукуматларига топшириладиган бўлди.

Польша Президенти Александер Квасневский Ўзбекистон билан нефть-газ ва энергетика саноати, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги, экология, қайта ишлаш, қурилиш, жумладан, гидромуҳандислик ва коммуникация қурилиши соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжудлигини таъкидлади.

Шу билан бирга, Александер Квасневский сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ғоят фойдали бўлишини айтди. Бунинг натижасида ҳаво алоқаси кенгаяди ва халқларимиз бир-бирининг бой маданияти, бугунги ҳаёти ва ўтмиши билан яқинроқ танишади.

Таъкидламоқ керакки, Польша Президенти Ўзбекистонга ташрифи мобайнида Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини заёрат қилади. Унинг айтишича, Польшада ўз даврида бу қадимий шаҳарларга бериладиган сайёҳлик йўлланмалари жуда нуфузли бўлган. Ҳозир ҳам бу қадим шаҳарлар томошасига келгувчилар кам эмас. Музокаралар сўнггида бўлган матбуот анжуманида, А.Квасневский шу чоққача бу шаҳарларни кўришни орзу қилиб келганини ва Ўзбекистонга ташрифи туфайли шундай имконият пайдо бўлганидан беҳад мамнунлигини айтди.

Музокараларда олий мартабали меҳмон мамлакатимизнинг минтақада тутган муҳим ўрнига алоҳида тўхталди. У Ўзбекистонни минтақадаги йирик давлатлардан бири деб билишини айтар экан, унинг барқарорликни сақлашдаги аҳамиятини қадрлашини таъкидлади. Ўзбекистон қўшнилар билан тинч-тотув яшашда ўрнак бўлмоқда. У ҳам истиқлолга эришди, ҳам фаоллик билан уни ҳар томонлама мустаҳкамламоқда. Халқаро иқтисодиётга муваффақият билан қўшилмоқда. Аксилтеррор операциясини қўллаб-қувватлаган Ўзбекистон барқарорликни экспорт қилувчи мамлакатдир ва биз унинг истиқлол йилларида босиб ўтган йўли ҳамда мустақил сиёсатини беҳад эъзозлаймиз, деб алоҳида таъкидлади Польша раҳбари. Шу боис Польша НАТО аъзоси ва Европа Иттифоқининг бўлғуси аъзоси сифатида Ўзбекистон учун Европага очилган дарвоза бўлишга тайёр, деди А.Квасневский.

Бу гаплар бежиз эмас. Бир неча йил муқаддам Польша НАТОга қўшилиш истагини билдирганида, Ўзбекистон раҳбари ҳеч иккиланмай, ҳар қандай давлат ўзининг хавфсизлик концепциясини ўзи ишлаб чиқишга ҳақли эканлигини айтган эди. Польша 2004 йилдан Европа Иттифоқи сафидан ҳам жой олади. Ўзбекистон буни ҳам маъқуллайди. Зеро, ҳозирги замон ҳар бир давлатдан ўзга мамлакатлар билан тенглик асосида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишни талаб қилади.

Музокаралар чоғида Польша раҳбари бундай муносабат учун Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримовга миннатдорлик изҳор этди ва Ўзбекистоннинг нуфузи, халқаро аксилтеррор курашига қўшаётган муносиб ҳиссаси муносабатларимизни ривожлантиришга ундайдиган қўшимча омиллар эканлигини таъкидлади.

Мулоқотлар давомида икки томон ҳам бир-бири учун очиқлигини, бир-бирини ҳурмат қилишини, тараққиётига ҳисса қўшиш ниятида эканлигини, дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга биргаликда хизмат қилишга шайлигини таъкидлади. Польша Президенти бундай жонли мулоқотларни кўпайтириш икки томон манфаатларига мос келишини айтиб, Ислом Каримовни ўз мамлакатига таклиф этди.

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Польша Республикаси Президенти Александер Квасневскийнинг қўшма коммюникеси имзоланди. Шунингдек, ҳукуматлар ўртасида уюшган жиноятчиликка қарши курашда ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар қабул қилинди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан кейин президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди.

Мамлакатимиз раҳбари музокара якунлари ҳақида сўзлар экан, томонларнинг кўрилган барча масалалар бўйича фикрлари бир жойдан чиққани, эндиги вазифа мана шу ҳамфикрликни амалиётга кенгроқ жорий қилишдан иборат эканлигини таъкидлади.

Куннинг иккинчи ярмида олий мартабали меҳмон пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди.

■ (ЎзА)

ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

«ПАХТА — 2002»

ОЛТИАРИҚ тумани пахтакорлари Фарғона вилоятида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш бўйича йиллик шартномавий режани бажардилар. Шуниси диққатга сазоворки, пахтачиликда пудрат, оилавий ижара, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилаётганлиги туфайли туманнинг уста пахтакорлари вилоятда кейинги уч йил ичида ҳар доим биринчи бўлиб маррага етиб келмоқдалар.

7780 гектар ерга чигит қадаган пахтакорлар ҳар гектар ердан 30,7 центнердан ошириб ҳосил олдилар. Жами 24 минг тонна пахта Ватан омборларига етказиб берилди. Унинг 3300 тоннаси уруғлик ҳосилдир.

Оилавий пудратчилар орасида Б.Отақулов номли ширкат хўжалигидан Н.Мадраҳимов бошлиқ жамоа етакчилик қилди. Улар ҳар гектар ердан 50,2 центнердан ҳосил етиштиришди. «Оқбўйра», «Нуробод», «Ўзбекистон» ширкат хўжаликларида йиллик режалар барвақт адо этилди.

Режа тўлган бўлса-да, Олтиариқда пахта йиғим-терими давом этмоқда.

■ **Алишер УМАРОВ**

✧✧✧

Қашқадарёда моҳир деҳқонлар кўп. Бироқ бу гал — **КИТОБ** тумани пахтакорлари пешқадамликда ҳеч кимни олдинга ўтказишмади. Жами 3,3 минг гектар майдондан 10 минг тоннадан ошиқ пахта топшириб, шартнома режасини вилоятда биринчи бўлиб адо этишди. Деҳқон учун ҳар йили машаққат бор. Бу йил сувнинг мўл бўлиши қут-барака. Аммо тоғолди тумани Китобда кўп ёмғир туфайли 30 фоиз майдонда 3-4 мартадан чигит қайта экилди.

— Ҳатто, Қарши даштида пахта етиштириш тажрибасини ҳам бир вақтлар китоблик деҳқонлар ўргатишган, — дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Луқмон Гаффоров. — 1800 гектар майдонга чигит плёнка остига экилиб, эртанги пахта етиштирдик. Ундан ташқари, биз учун янги — «С-65-24», «С-65-30» навларини экдик. Пахтачиликда 400 оилавий пудрат тузилган эди...

Ҳа, гап ер эгасини топаётганида. Масалан, ҳосилдорлик «Китоб» ширкатида 49 центнерга, «Навбаҳор» ширкатида 35 центнерга етди. Пудратчилардан Мавжуда Мелиева ҳар гектар ердан 50, Шавкат Эргашев 47, Раззоқ Умматов 45 центнердан ҳосил кўтаришди. Моҳир деҳқонларнинг қалб даъвати билан туман бўйича ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш, яна 2,5 минг тонна пахта сотишга аҳд қилинди.

■ **Юнус ЮСУФЖОН ўғли**

ХАЛҚ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ

БЕШИКЧИЛИКДА ЯНГИЛИК

Бешик болажон ўзбек оиласи учун муқаддасдир. Янги туғилган чақалоқни халқимизга хос урф-одатлар билан бешикка белашади.

Истиқлол туфайли миллий қадриятларимиз қайта тикланди, ҳунармандларга кенг йўл очилди. Бир қанча имкониятлар яратилди.

Бувайда туманидаги Ўрта қишлоғида истиқомат қилувчи дурадгор уста Йигитали Деҳқонов томонидан тайёрланган бешик ва беланчаклар, болалар манежи бугунги кунда ўзига хос жиҳатлари билан нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам машҳур бўлиб бормоқда.

Гап шундаки, дурадгор устанинг изланишлари натижасида яратилган бешик ва беланчаклар йиғма хусусияти билан бошқалардан тубдан фарқ қилади. Бу эса аёллар учун қулайликлар яратади. Чунки уларни нокерак пайтларда йиғиб, махсус ғилофларга солиб қўйиш ва сафарларга ҳам олиб кетиш мумкин.

— Ҳеч бир ерда халқ ҳунармандларига биздагидек имкониятлар яратилмаган, — дейди Йигитали Деҳқонов.

Яқинда Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон ҳунармандлари кўргазмасида моҳир уста томонидан тайёрланган миллий ҳунармандчилик намуналари юқори баҳоланди. Ва ўша ернинг ўзидаёқ ўз харидорига эга бўлди.

■ Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар

Тилагимиз, Йигитали Деҳқонов сингари халқ ҳунармандчилигини қайта сайқаллаб, давом эттириб келаётган усталар бор бўлсин.

✧✧✧

Суратларда: уста Йигитали Деҳқонов шогирдлари Асадали Деҳқонов, Воҳид Бобоев билан. Устанинг келини Шоҳида Деҳқонова ва Нафосат Деҳқоновалар ғилоф тикишади.

ТАШРИФ БУЮРАДИ

Ҳиндистон Бош вазири Атал Бихари Важпаи Покистонга расмий ташриф буюришга қарор қилди. Бу ҳақда Ҳиндистон ташқи ишлар вазири ўринбосари хабар тарқатди. Унинг сўзларига кўра, Атал Бихари Важпаининг Исломободга тарихий ташрифи 2003 йилнинг бошларига мўлжалланмоқда. Ўшанда Покистонда Жанубий Осиё мамлакатларининг ҳудудий ҳамкорлик ассоциацияси саммити ўз ишини бошлайди, дейилади Reuters хабарида.

Мазкур ахборот агентлиги тарқатган бошқа бир хабарда ёзилишича, Покистон ҳукумати Ҳиндистон чегарасига жойлаштирилган ўз ҳарбий қўшинларини чақириб олишга қарор қилган. Аввалроқ эса Ҳиндистон ҳукумати ҳам Покистон чегарасидаги қўшинларини чақириб олиш ҳақида баёнот берган эди. Покистон Ташқи ишлар вазирлигининг расмий баёнотида ёзилишича: «Покистон ҳукуматининг Покистон-Ҳиндистон чегарасида жанговар ҳолатда сақланиб турган ҳарбий қўшинини яқин кунларда чегарадан олиб кетиш жараёни бошланади».

БЮДЖЕТ МАЪҚУЛЛАНДИ

АҚШ конгресси сенати 93 овоз (бир қарши овоз) билан 2003 йилнинг ҳарбий бюджетини маъқуллади. Ҳарбий бюджет 355,1 миллиард доллар ҳажмида белгиланди. Бу йилги бюджет эса ўтган йилгидан 37,5 миллиард доллар кўпдир.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, икки палата чиғириғидан ўтиш даврида бюджет лойиҳаси Буш маъмурияти сўраган суммадан 1,6 миллиард долларга қисқартирилган.

СОВУҚДА ҚОЛИБ...

Москванинг тез тиббий ёрдам хизмати берган маълумотларга кўра, ўтган пайшанба кечаси 5 киши совуқда қолиб нобуд бўлган. 22 киши эса «совуқ урган» деган ташҳис билан шифохонага ётқизилган. Умуман, октябрь ойида бирданига ҳаво совиб кетиши натижасида 43 киши совуқда қолиб оламдан ўтган, дейилади, Интерфакс тарқатган хабарда.

8 СОАТЛИК ИШ ТАШЛАШ

Италиянинг энг йирик ва радикал касаба уюшмалари бирлашмаси — Бутуниталия меҳнат конфедерацияси ҳукуматнинг Сильвио Берлускони юритаётган иқтисодий сиёсатига қарши, жумладан, кейинги йил бюджетидан ижтимоий дастурларнинг қисқартирилишига қарши, бундан ташқари 280 минг ишчи ўринлари ёпилиш хавфининг олди олинишини талаб қилиб 8 соатлик иш ташладилар. Италия саноат индустрияси 8 соат давомида умуман ишламади, поездлар ҳаракати эса 60 фоизга қисқарди, «Алиталия» авиакомпаниясининг 100 дан ортиқ рейслари кечиктирилди, 275 рейс эса бекор қилинди, шаҳар транспорти тўхтатиб қўйилди.



ВАРШАВА ШАҲРИ КЎРИНИШИ

ФОЙДАНИ КЎПАЙТИРИШГА ИМКОН ЯРАТДИ

«Microsoft» корпорациясининг ўз дастурлари таъминотини лицензиялаш бўйича ишлаб чиққан янги режаси корпорация даромадини икки ҳисса кўпайтиришга замин яратди. Масалан, уч ойда — июлдан сентябрь охиригача кўрилган фойда 2,73 миллиард долларни ташкил этди, яъни бир акциядан 50 цент фойда кўрилди. Ўтган йилнинг худди шу даврида эса кўрилган фойда 1,28 миллиард долларни ташкил этган ёки ҳар бир акцияга 23 центдан тўғри келган эди.

Шу йилнинг биринчи чорагида корпорация 7,75 миллиард доллар фойда кўргани эътиборга олинса, янги режа қанчалар тўғри ва ҳаётий эканлигини сезиш қийин эмас.

АВВАЛДАН ОГОҲЛАНТИРИЛГАН ЭДИ

АҚШ разведка хизмати ва дипломатия вакиллиги Бали оролида террорчилик акти содир этилиши мумкинлиги ҳақида воқелик юз беришидан 2 ҳафта олдин Индонезия ҳукуматини огоҳлантирган эди. Охирги огоҳлантириш эса портлаш содир этилишидан бир кун аввал Индонезия раҳбариятига етказилганди, дейилади Америка ҳукумати манбаларида.

АҚШ давлат департаментининг таъкидлашича, фуқаролар кўп тўпланадиган жойларга, хусусан клубларга ёки мактабларга, ёинки диний маросимлар ўтказиладиган жойларга террорчилар томонидан ҳужум уюштирилиши мумкинлиги ҳақида Индонезия ҳукумати 10 октябрдаёқ огоҳлантирилган. CNN телекомпаниясининг хабарига кўра, худди шундай огоҳлантирув Австралия ҳукуматига ҳам жўнатилган.

ЕВРОПАДАГИ ЭНГ ЯХШИ ШАҲАР

Тижоратчилик фаолияти бўйича Европадаги энг яхши шаҳар деб Лондон тан олинди. Брюсселдаги «Кашман-энд-Уйэкфилд» консалтинг компанияси ўтказган тадқиқот натижалари худди шундай хулоса чиқаришга имкон яратди. Тадқиқот Европадаги 500 та компания фаолияти доирасида олиб борилди. Унда ишчи кучи баҳосига, уни бозорга жалб этиш услубларига, инвестиция муҳитига ҳамда ҳаёт тарзи даражасига эътибор қаратилди. Шу сифатлар бўйича биринчи ўнликка Буюк Британия пойтахтидан ташқари Дублин, Мадрид, Барселона ва Милан шаҳарлари ҳам кирган. Кейинги ўнликлардан эса Мюнхен (11-ўрин), Стокгольм (14), Женева (15), Прага (16), Лиссабон (17), Рим (22), Вена (23), Варшава (26), Москва (30) шаҳарлари ўрин олган.

ЭЛЧИХОНА БИР КУНГА ЁПИЛДИ

Австралиянинг Пекиндаги элчихонаси бир кунга ёпиб қўйилди. Негаки, бино ичидан оқ кукунли пакет топилган.

Австралия Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот котиби хабарига кўра, пакет ичидаги кукун текшириш учун экспертларга берилди. Ўтган йили АҚШда хат орқали олинган худди шундай кукун Сибир яраси споралари бўлиб, ундан анча киши заҳарланган ва беш киши нобуд бўлган эди.

ЎҚУВЧИНИНГ ИХТИРОСИ

Англиянинг Брэкон шаҳрида яшовчи мактаб ўқувчиси компьютер сичқончаси вазифасини мукаммал ва ундан юқори тезликда бажарадиган ҳамда кенг имкониятга эга манипулятор яратди. Мазкур ихтиро қўлқопдан иборат бўлиб, унга ўта сезгир датчиклар жойлаштирилган. Бу датчиклар бармоқлар ҳаракатини «назорат» қилади ва компьютерга сигнал жўнатади. Сичқончага қараганда бу усулда иш тез ва сифатли бажарилади.

МАМЛАКАТДАН ЧИҚИБ КЕТИШ ТАВСИЯ ЭТИЛДИ

Бельгия, Буюк Британия, Нидерландия, Португалия ва Испания ҳукуматлари Кот-д'Ивуарда яшаётган ўз фуқароларини ушбу мамлакатда давом этаётган ҳарбий исён сабабли мамлакатдан чиқиб кетишларини тавсия этди. Мазкур тавсия авваламбор мамлакатда унинг ёрдамига кўпам эҳтиёж сезилмаётган техник ходимларга тааллуқлидир.

Кот-д'Ивуарда истиқомат қилаётган Америка фуқаролари эса АҚШ давлат департаменти тавсиясига кўра, 26 сентябрдаёқ мамлакатни тарк этган.

НЕФТЬ САНОҚЛИ ЙИЛГА ЕТАДИ, ХОЛОС

Россия табиий бойликлари вазирлиги мутахассисларининг ҳисоб-китобларига қараганда нефть қудуқлари очилган, бироқ заҳирада сақланаётган ҳамда қазиб олиб фойдаланилаётган нефть 2040 йилга бориб батамом тугар экан. Нефть қазиб олишда узилиш бўлмаслиги учун янги-янги нефть «кўзлари»ни аниқлаб топиш, қазиб фойдаланишга топшириш лозим. Бунинг учун бугунги кунда энг истиқболли худуд Ғарбий ва Шарқий Сибир ҳамда шимолдаги денгизлар бўлиб турибди.

Илмий фаразларга қараганда, 2020 йилга бориб қора «олтин» етказиб бериш даражасини меъёрда сақлаш учун йилига 360 миллион тонна нефть қазиб олишга тўғри келаркан.

ВАҚТИНЧА ТЎХТАТИЛДИ

«Daimler Chrysler» концерни ўзининг Шимолий Америкадаги уч заводида автомобиль ишлаб чиқаришни вақинчалик тўхтатишни мўлжаллаб турибди.

Концерннинг Канадада иккита, АҚШда эса бир заводи жойлашган. Бу ўлкаларда завод ишлаб чиқараётган автомобилларга ҳозирча эҳтиёж пастлиги сабабли бир ҳафта давомида ишлаб чиқариш тўхтатилади.

ТАНК — ИЖАРАДА

12 октябрь куни Испаниянинг миллий байрами нишонланди. Шу куни Мадридда Испания қуролли кучларининг ҳарбий паради бўлиб ўтди. Парадда энг сўнгги русумдаги «Leopard 2E» танки ҳам намойиш этилди. Ўшанда жанговар машинанинг бу сўнгги авлодини Испания оммавий ахборот воситалари роса шовшув қилишганди.

Маълум бўлишича, бу танкнинг Испания қуролли кучларига тааллуқли жойи йўқ экан. У Испания Мудофаа вазирлиги томонидан немисларнинг «Krauss Maffei» ишлаб чиқариш корхонасидан 15 кунга ижарага олинган экан.

Танк Грецияда намойиш этилаётган қуролли кучлар кўргазмасидан Россия транспорт самолётида махсус олиб борилган бўлиб, яқинда Германияга денгиз йўли орқали қайтарилади.

Танкни олиб бориш, парадда намойиш этиш ва юртига қайтариш операцияси учун Испания Мудофаа вазирлиги ғазнасидан 112 минг евро сарфланди. Вазирлик мамлакатнинг қуруқликдаги қўшинлари учун шундай танкдан 233 та сотиб олишга эришди. Фақат улар 2003 йил сентябрь ойидан сўнг Испанияга жўнатилади.

ҚЎРИҚЛАШ КУЧАЙТИРИЛДИ

Таиланд полицияси берган маълумотларга кўра, мамлакатдаги тунги дам олиш ва кўнгилочар жойларни, айниқса, хорижий сайёҳлар ташриф буюрадиган масканларни кўриқлаш янада кучайтирилди. Балида содир этилган террорчилик актидан сўнг европаликлар учун машҳур курорт зона ҳисобланган Таиландда жиддий тарзда хавфсизлик чоралари кўрилмоқда.

Газетамизнинг шу йил 19 сентябрь сонида «Номи янги, ишлари эски» сарлавҳали таҳлилий-танқидий мақола чоп этилиб, унда коммунал хизмати соҳасидаги қонунбузарликлар, суиистеъмолчиликлар ҳамда кўп қаватли уйларда яшовчилар нега коммунал хизмат ҳақларини вақтида тўламаётганликлари борасидаги муаммолар кўтарилганди.

Мақолада пойтахтимиздаги айрим уй-жой мулкдорлари ширкатлари кўп қаватли уйларга кўрсатаётган коммунал хизмати бугунги кун талаблари даражасида эмаслиги ҳақида мисоллар келтирилганди.

Шундан сўнг кўп ўтмай газетамизда мазкур мақола юзасидан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси раҳбариятидан келган жавоб хати (15 октябрь сонида) эълон қилинди. Унда мавжуд нуқсонларни бартараф этиш йўлида амалга оширилаётган ишлар кўрсатиб ўтилди.

Ёдингизда бўлса, бу каби муаммолар республикамиз вилоятларида қай аҳволда эканлигини мухбирларимиз ўрганаётганлигини хабар қилгандик. Қуйида вилоятлардан тайёрланган хабарлар билан танишасиз. (Мълумотлар учун телефон рақамларини яна бир бор эслатиб ўтамиз: 133-12-56, 133-20-36.)

ҚИШ ЯҚИН, ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ?

ВИЛОЯТЛАРДАГИ УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИНИНГ ХИЗМАТИ ҲАҚИДА

ЕЧИМТАЛАБ «ЗАНЖИР»

Эскича тартибга мослашган ЖЭКлар тугатилиб, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ташкил этилгач, Самарқанд шаҳрида аҳолига коммунал хизмати кўрсатиш борасида қандай ўзгаришлар юз берди?

Вилоятдаги мухбиримиз **Шуҳрат ҚАРШИЕВ** шундай савол билан шаҳардаги қатор уй-жой мулкдорлари ширкатлари, маҳаллалар қўмиталари ва фуқаролар йиғинларида бўлиб, мутасадди мутахассислар ҳамда истеъмолчиларга мурожаат қилди.

Зебо РАЗЗОҚОВА, Боғишамол тумани, Ўзбекистон кўчаси, 1-«В» уй кенгаши раиси:

— Биз яшаётган уй шаҳарнинг қоқ марказида жойлашган, 1960 йилда қурилган, 46 та хонадон бор. Уйни иссиқ сув билан таъминлаш ўрнатилган махсус қурилма ёрдамида ҳар бир хонадоннинг ўз зиммасида. Бир неча йилларидан буён қишга бориб газ бўлмай қолиши аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Изғиринли кунлар бошланганидан то кунлар илиб кетгунга қадар «Иссиқлик манбаи» идораси томонидан иситилиши лозим бўлган хонадонлардаги батареялар умуман ишламайди. Натижада, электр иситгичлардан фойдаланамиз. Тўловга келганда эса «Иссиқлик манбаи»га ҳам, электр энергиясига ҳам ҳақ тўлаймиз.

Шу ўринда бир савол: бизга хизмат кўрсатадиган «Амир Темур» уй-жой мулкдорлари ширкати билан «Иссиқлик манбаи» идораси ўртасида кўп қаватли уйларни иситиш юзасидан имзоланган шартнома ижроси таъминланиши керакми йўқми? Шартнома шартлари бузилишига йўл қўйилаётган экан, унда нега тўловларни вақтида йиғиб олишни талаб қилаётган ширкат мутасаддилари қўл қовуштириб туришлари керак?

Яна бир муаммо: тўрт қаватли уйларнинг 4-қаватига қишда ҳам, ёзда ҳам сув чиқмайди. Ҳақ олишга келганда эса буни ҳеч ким инобатга олмайди...

Опанинг куюнчак фикрлари билан қизиқиб, ширкат раҳбари **Нормурод ФАХРИДДИНОВ** билан суҳбатда бўлдик.

— Тўғрисини айтиш керак, қиш ойларида шаҳарда газ босими пасайиб, кўп қаватли уйларга иситиш қозонхоналаридан узатилаётган иссиқлик ҳарорати бутунлай тушиб кетмоқда. Уйларнинг юқори қаватларига сув чиқмаётганлигининг сабаби ҳам босимнинг камлигида...

Аҳоли истиқомат қилаётган кўп қаватли уйлар асосан шаҳарнинг Боғишамол ва Темирйўл туманлари ҳудудида жойлашган. Истеъмолчилар ўртасида ўтказган сўров ва кузатувларимиз жараёни шуни кўрсатдики, аксарият аҳоли газ ва «Иссиқлик манбаи» идоралари фаолиятида юз бераётган таъминотдаги узилишлар ҳамда сифатсиз хизматлардан норози. Улар қиш кунларида электр иситгичлар ва печлардан фойдаланишга мажбур бўлмоқдалар. Қарабсизки, бир соҳанинг оқсоқлиги бошқа тизимларга ҳам зиён етказмоқда.

Моҳира СУЛТОНОВА, Темирйўл тумани, Али Қушчи кўчаси, 1-уй:

— Икки-уч йилдирки, истеъмолчиларни газ таъминотидаги ҳар хил узилишлар бездириб қўйди. «Иссиқлик манбаи» хизматини гапирмасаям бўлади... Лекин бир томондан истеъмолчиларнинг ҳам айби йўқ эмас. Коммунал хизмат тўловларини йиллаб тўламаган фуқаролар бор. Улар қачон қараманг, «уйимиз исимаяпти», «газ босими паст», «иссиқ сув йўқ» деган баҳоналарни рўкач қилаверади...

Бизнинг изоҳ: **суҳбатлар, ўрганишлардан маълум бўлдики, уй-жой ширкатлари бошқарувида кадрларнинг тажрибасизлиги мавжуд муаммолар «занжир»идан ўзига хос халқа ясамоқда. «Ура-ура»чилик, таниш-билишчилик билан сайланган айрим ширкат раҳбарлари соҳа юмушларини мутлақо билишмайди. Пировардида, юзага келаётган муаммолар аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.**

— «Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 19 сентябрь сонида **«Номи янги, ишлари эски»** номли мақола чоп этилгани айни муддао бўлди, — суҳбатга қўшилди **Боғишамол туман уй-жой ширкатлари уюшмаси раиси Баҳром УСМОНОВ.** — Шундан сўнг тумандаги 19 та ширкат раислари йиғилиб, мақолани муҳокама қилдик. Мавжуд хато-камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб, тезкор ишлар олиб боришга қатъий келишиб олдик.

ЧАККАГА ЧЕЛАК АХТАРАВЕРИШСИНМИ?

— Уй-жой мулкдорлари ширкатлари аҳолига яхшироқ, сифатлироқ ва тезкор хизмат кўрсатади, деган илинж бор эди, — деб хабар қилади **Фарғона вилоятидаги мухбиримиз Алишер ИБОДИНОВ.** — Ҳозир биргина Фарғона шаҳрининг ўзида 20 та ана шундай ширкатлар фаолият кўрсатмоқда. Аммо, кўрсатилаётган хизмат сифатини кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Тўғри, мулкчилик шаклининг ўзгариши билан боғлиқ ижобий ишлар амалга оширилди. Бироқ, хонадонларнинг эгалари ширкатларга раҳмат айтаётгани ёки янгиликдан боши осмонга етаётгани йўқ.

Шаҳарнинг Маданият кўчаси, 13-уйда яшовчи фуқаролар кўп қаватли уйларга иссиқ сув етказиб беришдаги узилишлардан ранжиб, бу ишга масъул «Семурғ» уй-жой мулкдорлари ширкати хизматидан шикоят қилишганда унинг раҳбарияти: «Таъмир ишларини «Иссиқлик манбаи» олиб бориши керак. Биз уларни огоҳлантириб қўйганмиз, лекин улар бу ишни пайсалга солмоқда», дея айбни ўзларидан соқит қилиб қўя қолишди.

Амир Темур кўчасидаги 245-«В» уйда истиқомат қилаётган М.АСАДОВА, Ш.УСМОНОВАларнинг шикоятидан: «Хонадонларимиз томидан қор-ёмғир ёққанида чакка ўтишини «Садо» ширкати раҳбарлари яхши билишади. Беш-олти йилдирки, томни таъмирлаб беришни ширкатдан (ундан илгариги мутасадди раҳбарлардан ҳам!) мунтазам сўраб келганмиз. Аммо, ҳеч натижа чиқмади...

Шу йил 13 июль куни ширкат раҳбариятига яна мурожаат қилдик. Ширкат раиси аризамиз билан танишиб, унинг чап бурчагига «Масалани ҳокимиятдан маблағ ундириб ҳал қилинг» дея имзо чекди. Раис ёзганидек, ҳокимиятдан маблағ ундириш масаласини биз ўзимиз ҳал қиладиган бўлсак, ширкатнинг нима кераги бор?»

Бу ҳақли савол билан **«Садо» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Г.МИРЗААҲМЕДОВ**ни таништирдик:

— Дарҳақиқат, — деди у, — айни шу уй мукаммал таъмирга муҳтож эканлиги ҳақида шаҳар ҳокимлигига маълум қилиб, ёрдам сўраганмиз. Ҳокимлик «имкон бўлсагина маблағ ажратамиз», дея ваъда қилган. Лекин ҳозирча ижобий жавоб йўқ...

Ўринли сўров: **кўриб турибсиз, саволлар ва муаммолар етарли, жавоблар ҳам... Энди нима қилиш керак? Ёғин-сочинли кунлар ҳам яқин. Юқорида тилга олинган 245-«В» уйда яшовчилар ва нафақат улар, шаҳардаги кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган юзлаб хонадон соҳиблари бу йил яна чакка остига тутгани челак ахтараверишсинми?**

«ПУЛ» ДЕСА ЧОПАДИ, ТАЪМИРИДАН ҚОЧАДИ

Бухоро вилоятидаги мухбиримиз Даврон БАҲРОНОВ хабар қилади:

— Қадимий ва навқирон Бухорои шарифнинг эски қисмини ҳисобламаганда аҳолининг кўпчилиги асосан кўп қаватли уйларда истиқомат қилади. Уйларнинг кўплари турли даражадаги таъмирга муҳтож. Ана шу уйларда яшаётган кишилар ташвиши, айниқса ҳар йили қиш фаслида чунонам ортадики, асти кўяверинг.

— Бир неча йилдан буён И.Мўминов кўчасидаги 33/3-уйнинг 22-хонасида яшайман, — дейди **Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти ўқитувчиси С.МАМЕДОВ.** — Бирор кун йўкки, ташвишсиз ўтса. Мана, ўн кундирки, иссиқ сув йўқ. Қишда ҳолимиз не кечаркин?

«Кўкча» уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли бу уй беш қаватли бўлиб, унда 40 оила яшайди. Домланинг фиғони ошганича бор. Ҳафта сайин сув таъминотида узилиш...

— Ширкатдагилар «пул» деса чопади, таъмиридан қочади, — давом этди домла. — Уларга техник хизмат учун алоҳида ҳақ тўлаш керак эмиш... Қувур ёрилса ўзимиз таъмирласак, шартномадан дарак бўлмаса...

Шаҳарнинг Тўқимачилик туманидаги «Нурли келажак сари» уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли 10 та уйнинг деярли ҳаммаси таъмирталаб. Жорий йилда фақат Алпомиш кўчасидаги 9/1-уйнинг иссиқ ва совуқ сув тизимигина мукаммал таъмирланди. Қолган 9 та уй жорий таъмирга муҳтож.

— Ширкатга қарашли уйларда яшовчилар биздан 3,1 миллион сўм қарздор, — дейди **ширкат раиси Зокир РАҲМАТОВ.** — Бу ҳол ишимизнинг белига тепаётир. Вилоят «Сувоқова» ва «Энергомарказ» муассасаси ҳам 1 миллион 523 минг сўм товон пулини тўламасдан келаётир. Агар ана шу муаммолар ечим топганда эди, кўплаб уйларнинг сув йўллари таъмирдан чиққан бўларди.

Ширкат раиси мукаммал таъмир деганда биргина сув йўлини айтаяптими?

Йўқ... шаҳардаги аксарият уйларнинг ертўлалари ҳам мудом сув билан тўла. Кириш эшиклари, ойналар, ёритгичлар йўқ, йўлаклар ифлос, кўчалар зимистон...

Нима, хўжалик ҳисобидаги уй-жой бўлимларига ширкатларнинг нисбатан афзаллиги олдиндан аҳолига тушунтирилмаганми?

Ҳамма гап шунда. Тушунтирилмаган. Шу боис ҳам барча ишлар ўлда-жўлда. **Бухоро шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси бошлиғи Шавкат АЗИМОВ**нинг айтишича, бошқарма ҳар иккала тумандаги 667 та кўп қаватли ҳамда бошқа ташкилотлар қарамоғидаги 79 та уйга хизмат кўрсатади. Бу йил қиш мавсумига қадар 1991 йилгача қурилган уйлардан 52 таси мукаммал таъмирланиши керак эди. Бюджетдан ажратилган 90 миллион сўм эвазига 7 та уй таъмирланди, холос. Умуман олганда, ҳозир 38 та уй таъмирдан чиққан ва 14 та уйда турли даражадаги таъмирлаш ишлари олиб бориляпти.

Бирлашма бошлиғи шаҳар ташкилотларига қарашли уйлар вақтида таъмирланмаганлигини куюниб гапирди. Жумладан, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг 15 та уйи, вилоят «Пахтасаноати» бирлашмасининг 3 та, 6-экспедицияга қарашли 2 та, «Таъминотчи» ҳиссадорлик жамиятининг 3 та уйи бугунги кунда ҳам «оғир юк» бўлиб турганлигини таъкидлади. Аммо, бу уйлар шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасига илгари шалвираган ҳолда топширилганидан ҳамма хабардор.

Аҳволнинг туб сабаблари нимада?

Шаҳар ҳокимлиги таъмирлаш ишларига атиги 16,8 миллион сўм маблағ ажратган. Ҳамма манбалар ҳисобидан ажратилган маблағ эса 50 фоизни ташкил этади. Шу боис, таъмирлаш ишлари чала, сифатсиз. Бунинг устига малакали мутахассислар, усталар, чилангарлар кам, кадрлар заҳираси йўқ, техник анжомлар етишмайди...

Мактаблар, болалар боғчалари ва касалхоналарда аҳвол қандай?

Ёмон бўлса ёмонки, яхши эмас. 24, 11, 6-умумий таълим мактаблари, 75, 66, 28-болалар боғчаларида қишга ҳозирлик ўлда-жўлда ётибди. Қозонхоналар яхши таъмирланмаган, қувурларга сув юбориб кўрилмаган. 3, 6-поликлиникаларда бошланган ишлар маблағ йўқлиги баҳонасида охиригача етказилмаган, 5-поликлиникада ҳам аҳвол шу...

«ТАЁҚ»НИНГ ИККИ УЧИ

— Наманган шаҳри ва вилоят туманлари марказларида ҳам кўп қаватли уйлар талайгина. Уларда яшовчилар ЖЭК деган ташкилот ўрнида ширкатлар пайдо бўлганида, «энди аҳвол ўзгарар» деб умид қилишганди. Таассуфки, жойларда «қордан қочиб дўлга тутилган»дек ҳолат юз берди, — деб ёзади **вилоятдаги мухбиримиз Маҳмуджон ПАРПИЕВ.** — Ҳозир вилоят бўйича 71 та уй-жой мулкдорлари ширкатлари бўлиб, уларнинг 14 таси Наманган шаҳрида, 18 таси Давлатобод туманида, қолганлари қишлоқ туманлари марказларида жойлашган. Вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасидан ширкатлар ҳақида олиш мумкин бўлган «маълумот» бор-йўғи шу...

Бирлашмадагилар: «Ширкат раислари фаолиятини ҳокимликлар йўналтиради» (яъни, бирлашма ширкат ишига аралашмайди) деб ўтиришибди. Аслида бу икки томонни бир-бирига ипсиз боғлаб турган ришталарни санаб адоғига етиш мушкул. Тўғри, ширкат ўзича мустақил. Лекин, уй-жой соҳибларидан эътироз тушса — таёқнинг икки учидан бири коммуналчиларга келиб тегаверади. Чунки, ширкатдаги уй-жойларга хизмат қилувчи асосий ташкилотлар барибир бирлашма қарамоғидада!

Давлатобод туманидаги «Шарқ» уй-жой мулкдорлари ширкати «Иссиқлик манбаи»дан 4,5 миллион сўм, «Сувоқова» идорасидан 5 миллион сўм қарздор. Кўплаб уйлар таъмирга муҳтож. 1978 йилда ишга тушган бу уйларда қувурлар эскирган, томлар чаккадан тешилиб боряпти. Ширкат ҳудудида 2000 йилдан бери эндигина иккита уйнинг қувурлари алмаштирилди, холос. Шу йил бошида коммунал объектларни қуриш маъмурияти орқали 12-уй таъмирлаш режасига киритилган, холос.

— Ертўладаги барча қувурлар олиб ташланган. Таъмир учун бу ерга 270 метр қувур берилгани ва Миллий банк томонидан 600000 сўм ёрдам пули ажратилгани инобатга олинса, энди 25 фоиз иш битди. Қолган 75 фоиз иш қачон бажарилади? — ажабланади **ширкат раиси Тўйчибой ЭСОНБОЕВ.**

— Ширкат бўйича уй-жой фондини сақлаш тўловини ҳам қўшса 10 миллион сўмдан ортиқ қарзингизни ундириш чорасини кўрмаяпсизми? — сўраймиз ундан.

— Яшовчилар хизмат ҳақини тўламаса нима қилиш керак? — саволга савол билан жавоб берди у. — Боз устига, совуқ сув кунига икки маҳалгина (эрталаб, кечқурун) берилади. Иситиш масаласи умуман чатоқ. Баъзан қайси юз билан пул сўрашга ҳам бош қотади...

Дўстлик мавзесидаги «Шарқ юлдузи» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Ҳабибилло МАМИРОВнинг ҳасратидан чанг чиқади:

— Тўғриси, ҳозир асосий ишимиз — аҳолидан пул йиғиш бўлаяпти. Хонадонма-хонадон юриб, юзимиз сарғайиб пул сўрайвериш жонга тегди...

Раснинг айтишича, бу ерда ҳам 2-«А» уй таъмирлаш режасига кирган. Бироқ 20 фоиз иш бажарилганича тўхтаб ётибди. 14 миллион сўм маблағ керак. Тўлов йиғимидан 6 миллион сўм қарзи бор ширкат нима ҳам қилиши мумкин?

Вилоятдаги бошқа қатор ширкатларда ҳам қишга тайёргарлик ишлари яхши эмас. Йўлакларда ойналар йўқ. Ахлатлар вақтида ташиб кетилмайди. Қаҳратон қиш яқинлашгани сайин (айниқса, кўп болали оилаларда) ташвиш ортмоқда.

ТАЪМИНОТ ЭНДИ ТАРТИБЛИ БЎЛАРМИШ

Хоразмдан мухбиримиз Рўзимбой ҲАСАН хабар беради:

— Вилоятда қишлоқ аҳолисининг тўқсон икки фоизи табиий газ билан таъминланган. Шундай бўлса-да, кўпчиликнинг ёдига асосан қиш мавсуми олдидан биринчи галда газ келиши табиий. Озгина етишмовчилик сезилса бўлди, шикоят, аризабозлик...

Бироқ ўтган йилларда айрим туманларда рўй берган газ танқислиги учун масъул идоралар у қадар сабабчи бўлмади. Айрим хонадон эгалари иссиқхоналар қуриб, тадбиркорлик йўлига ўтишди-да, газдан текин фойдаланишни одат қилишди. Натижада, газдан меъёрсиз, тартибсиз фойдаланилган иссиқхоналар касрига қўшни хонадонлар азият чекишди. Пировардида, қонун талабларини бузган 592 та иссиқхоналарнинг газ қувурлари узиб ташланди.

Биргина Боғот туманида 390 та иссиқхона табиий газ тармоғига қонунсиз улангани учун юзлаб хонадонларда газ таъминотида узилишлар бўлгани аниқланди. Қачонки, ўғринча иссиқхоналар ёпилгач, ҳаммаси ўрнига тушди...

«Боғотгазтаъминот» шўъба корхонаси бош муҳандиси Бобохон ҚОДИРОВ сўзидан:

— Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, бу йил мавсум арафасида иссиқхона эгалари билан шартномалар туздик. Иссиқхоналарга газ ўлчагичлар ўрнатиляпти. Ҳозиргача 200 та иссиқхона эгаси газ таъминотини қонунда белгиланганидек расмийлаштириб олишди. Уларга эндиликда ҳар сотих ер майдони учун белгиланган миқдорда қўшимча газ ажратилади. Хуллас, энди таъминот тартибли бўлади...

«Хоразмгазтаъминот» шўъба корхонаси бош муҳандиси Фарҳод АБДУЛЛАЕВнинг айтишича, масъул идораларнинг вакиллари қанчалик елиб-югурмасинлар, барибир айрим истеъмолчилар аллакимлар билан хуфёна «тил» топишиб, «ишбилармон»ликларини давом эттираётган ҳоллар ҳамон учрамоқда...

Демак, бунга чек қўйиш учун ҳокимлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари янада фаолроқ аралашиши керакка ўхшайди. Чунки, гап давлат, халқ бойлиги бўлмиш табиий газ ва ундан фойдаланганлиги учун қонуний тўлов устида бораяпти.

■ **Мухбирларимиз хабарларини Номоз САЪДУЛЛАЕВ умумлаштирди.**

«...Уй-жой фондининг мулкдорлари, улар ваколат берган органлар (бошқарувчи ташкилотлар) уй-жой фондининг сақланиши, турар-жойига ва яшаш учун мўлжалланмаган жойларга хизмат кўрсатиш, уларни жорий ва капитал таъмирлаш, квартиралар оралиғидаги зинапояларни, лифтларни, йўлкаларни, томларни, техник ертўлалар ва умумий фойдаланишдаги бошқа объектлар, муҳандислик қурилмалари ва уй ён-атрофини қараш ва таъмирлаш юзасидан амалга ошириладиган ишларни ўз ичига олган тадбирларни таъминлашлари шарт...»

(Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 138-моддасидан)

ТАҲРИРИЯТДАН:

Қишга тайёргарлик бўйича жойларда маълум ишлар амалга оширилаётганини инкор этмоқчи эмасмиз, албатта. Лекин ечимини кутаётган муаммолар ҳам оз эмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Яқинда республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил январь-сентябрь ойларидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва республикада иқтисодий ислоҳотлар жараёнини баҳолашга бағишланган мажлисида ҳам куз-қиш мавсумига тайёргарлик аҳволи жиддий кўриб чиқилди. Турар-жой фондини капитал таъмирлаш бўйича камчиликлар ҳам очиқ-ойдин қайд этилди.

Мажлисда ушбу масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Бундан буён барча вилоятларда қишки тайёргарлик ишлари сезиларли даражада жонланади, кўпгина муаммолар ўз ечимини топади, деб умид қилишга асос бор.

Яна бир фикрни очиқ айтиш керакка ўхшайди: бу муаммоларга аралашишимиз айрим раҳбарлар ғашини келтириши мумкин. Тўғри, танқидга ҳамма ҳам чидайвермайди. Аммо биз касбимиз тақозоси, журналистик бурчимиз туфайли бу муаммоларга тегишли идоралар эътиборини қаратишни лозим деб топдик. Ҳаммамизнинг мақсадимиз бир — халқимизнинг муносиб, фаровон яшашига ҳисса қўшиш. Шундай экан, масъул идора ва ташкилотлар бизни тўғри тушунишар, деган умиддамиз. Ва, ўйлаймизки, ушбу мақола бўйича қонун доирасида таҳририятимизга жавоб беришади. Айниқса, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги соҳада олиб борилаётган ишлар, хусусан, уй-жойларга коммунал хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлардан газетхонларни хабардор қилса мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлаймиз.

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

ИСТИҚЛОЛНИНГ ОЛТИН КИТОБИ

АМАЛГА ОШАЁТГАН ОРЗУЛАРИМИЗ, БАХТИМИЗ, ИҚБОЛИМИЗ УНГА БИТИЛМОҚДА

Ифтихор — халқнинг юрак уриши. Юрагимиз — истиқлолнинг олтин китоби. Амалга ошаётган орзу-истакларимиз, режаларимиз унга битилмоқда. Бўйлашадиган бўйимиз, айтадиган сўзимиз бор. Мақтанмаймиз — фахрланамиз, ғурурланиб кетмаймиз — кўпроқ битмаган ишлар ҳақида ўйлаймиз. Истиқлол байрами арафасида Буюк Британиядаги халқаро биография маркази йилнинг энг машҳур 2000 кишиси рўйхатига ҳамюртимиз Назар Ҳакимовни ҳам киритгани, у махсус медалга сазовор бўлгани ҳақидаги хушхабарни эшитиб, яна бир бор фахрландик. Фалсафа фанлари доктори, профессор Назар Ҳакимов Қарши давлат университети ректори лавозимида фаолият кўрсатган, икки йилдирки Қашқадарё вилоят ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари. 200 дан ортиқ мақола, монография ва қатор қўлланмалар муаллифи.

— Рости, бу хабарни эшитиб фахрландим... Ўзингиз кутганмидингиз?

— Шундай пайтда нима дейишни ҳам билмайман. Ўша рўйхатга менинг ҳам номим киритилганини эшитганимда дастлаб ҳайрон бўлдим, кейин қалбимни ғурур эгаллади. Менимча, бу тарихий жараённинг силсиласи. Ахир истиқлол туфайли юртимизни жаҳон танимоқда. Спортчиларимиз халқаро мусобақаларда юртимиз байроғини кўтаришаяпти. Ўғил-қизларимиз жаҳоннинг нуфузли таълим даргоҳларида ўқишмоқда. Сармоядорлар учун Ўзбекистонда улкан имкониятлар эшиги очилмоқда. Фанимизнинг заҳматкаш дарғалари бор. Мендек бир ўзбек олимига эътибор юртимизнинг моддий ва маънавий қудрати тан олинаётганидан. Улуғ шоиримизнинг Ватан ҳақидаги ушбу мисраларини эсланг: «Сени танимаган, мени ҳам билмас...»

— Мақсад эркин фикрлайдиган, мустақил инсонни тарбиялаш. Истиқлол мафкурасини татбиқ этиш ҳам шунга қаратилган. Айтингчи, миллий қадриятлар бунда қандай ўрин тутади? Масалан, Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигини нишонлаш каби. Дарвоқе, сиз бу ҳақда китоб ҳам ёзгансиз.

— Тошкентда Амир Темур бобомизга ўрнатилган ҳайкалнинг очилиш маросимида Юртбошимиз улуғ зотнинг ўз халқига қайтганлигининг бемисл аҳамияти ҳақида гапиргандилар. Ҳар бир халқнинг ўз ифтихори бор. Амир Темур инсоният тарихида ўчмас из қолдирган сиймогина эмас, халқимизнинг озодлиги учун курашган, фан ва маданиятга ҳомийлик қилган, давлат асосларини яратган зотдир. Унинг 660 йиллик тўйи халқимиз дилидаги орзуларнинг ушалиши бўлди. Тарихий адолатнинг қарор топиши одамларда миллий ғурурни, ёш авлод қалбида Ватанга бемисл муҳаббат туйғуларини шакллантиради.

Шаҳарларнинг эса ўз тақдири ва тарихи бор. Китоб тумани худудидаги Узунқир, Сангиртепа, Подаётоқтепа ёдгорликлари шаҳри Кешнинг ёши бир неча минг йилликка бориб тақалишини кўрсатди. Жаҳоннинг 17 давлатидан келган ва ўз олимларимизнинг тадқиқотлари самараси ўлароқ шаҳарнинг ёши белгиланди. Агар шаҳардаги моддий маданиятлар тарихи музейига борсангиз бир неча маданият, давлатлар тарихидан ҳикоя қилувчи ноёб буюмларни кўрасиз. Айниқса, Соҳибқирон ва темурийлар ҳукмронлиги даврида шаҳарда ўлмас обидалар бунёд этилган. Буларнинг ҳаммасини ўрганмоқ ва тадқиқ этмоқ лозим.

ЮНЕСКО шаҳарни жаҳондаги тенгсиз қадриятлар рўйхатига киритди. Ҳукуматимизнинг юбилейни ўтказиш ҳақидаги қарори билан ҳозир шаҳарда катта тайёргарлик ишлари кетмоқда. Тарихий обидалар таъмирланяпти, хиёбонлар ободонлаштирилмоқда. Йўллар қурилаяпти. Алоҳида суратли альбом ҳам тайёрланаяпти. Шаҳар тарихи билан боғлиқ қизиқарли мақолалар эълон қилинмоқдаки, улар алоҳида тўплам қилиб чиқарилса эзгу иш бўларди. Олим Обод Жўрақулов билан ҳамкорликда ёзилган «Шаҳрисабз тарихи» рисоласи ҳам денгиздан томчи. Ҳали бу борада изчил асарлар яратилиши, улар одамларга миллий қадриятларимиздан ҳикоя қилиши лозим. Фақат тарихий мавзуда эмас, эзгуликка йўғрилган ҳар қандай китоб шахснинг шаклланиши учун хизмат қилади. Эзгулик учун сарфланган маблағ ўз мевасини беради. Шунинг учун ҳам улуғ ёзувчи ва шоирлар — Чингиз Айтматов ҳамда Абдулла Орипов асарларини сотиб олиб, кутубхоналарни таъминладик. Бунга 9 миллион сўмдан ошиқ маблағ сарфланди.

— Ўтган йили Олий Мажлиснинг қўмита йиғилишида «Қашқадарё энг кўп китоб ўқийдиган вилоят», дея эътироф этилган эди. Аммо кутубхоналарда китоблар, ҳатто дарсликлар етишмаётганидан кўз юмиш мумкин эмас. Китоб туман марказий кутубхонасида ёзувчи Ойбекнинг тўла асарлар тўплами омборхонага чиқариб қўйилганини эшитиб, ҳайрон бўлиб қолдим.

— Матбаачилик, кутубхоналар ишини ташкил этиш, китоб савдосини йўлга қўйишда катта ўзгаришлар юз берди. Фаннинг барча соҳаларида лотин алифбосида нодир китоб ва дарсликлар нашр этилмоқда. Биргина Миллий қомусимизнинг чоп этилаётгани тенгсиз маданий воқеадир. Бироқ шунга қарамай, ҳали зарур китоблар етишмаётгани, кутубхоналар фаолиятини тўлиқ қайта ташкил эта олмаётганимизни айтмоқ керак. Юқорида сиз тилга олган воқеага шундай баҳо бермоқ лозим. Чунки жаҳон адабиёти дурдоналарига айланган нодир китобларни яроқсизга чиқариш мумкин эмас. Бу масалага оқиллик билан ёндашмоқ лозим.

Энди айрим ютуқлар ҳақида. Биз ҳозир вилоят марказий кутубхонаси биносини таъмирладик. Бу кутубхона олдинги йили СОРОС фондининг 4160 АҚШ долларига тенг грантини олган эди. Бу маблағга компьютерлар олинди. Бу йил ҳам шу фондننг 8169 АҚШ доллари миқдоридаги гранти олинди. Бу маблағ ҳам марказий кутубхона эҳтиёжлари учун ишлатилади.

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг тўрт қаватли кутубхонасини таъмирлаш учун 110 миллион сўм сарфланди. Ана шундай замонавий кутубхонага Қарши давлат университети талабалари ҳам эга бўлишди. Ҳозир тўй тараддуди кетаётган Шаҳрисабз шаҳридаги санъат саройида шинам қироатхонаси бўлган кутубхона жойлашади.

Булар катта ишларнинг бошланиши. Айниқса, қишлоқлардаги кутубхоналарни таъмирлаш, янги китоблар билан бойитиш, кутубхоначилар малакасини ошириш тадбирлари тузиб чиқилган. Уларни амалга оширамиз.

Дарсликлар масаласи чиндан ҳам муҳим. Биринчи синф ўқувчилари бюджет ҳисобидан тўлиқ таъминланди. Вилоят ҳокимининг фармойишига кўра, меҳрибонлик уйларига бюджет ва ҳомийлар ҳисобидан 263 миллион 496 минг сўм ўтказиб берилди. Умумтаълим мактабларини дарсликлар билан таъминлаш 90 фоиздан ошиқроқ. Ҳомийлар, саховатли инсонлар ёрдам қўлини чўзишаяпти. Агар «Қашқадарёкитобсавдо» акциядорлик жамияти орқали бу йил 76 437 345 сўмлик дарсликлар сотилган бўлса, шунинг 50 миллион 592 минг сўмини тадбиркор ҳомийлар ўтказиб беришди.

Нишон туманидаги Агроиқтисодиёт коллежи бу йил 20 гектар ерда ғалла етиштириб, 2,5 миллион сўмга яқин соф фойда олди. Пахтаси ҳам бор. Вилоятдаги барча мактаб ва коллежларнинг банкларда ҳисоб рақами очилган. Имкон даражасида ер майдонлари ажратиб берилмоқда. Демак, ўз-ўзини бошқариш ва таъминлашга ўтиш ташаббусини янада ривожлантириш керак.

— Олий таълим даргоҳими, мактаб ёки коллежми — уларга ташаббускор кишилар раҳбарлик қилгани маъқул. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг тўла амалга ошишида бу муҳим омиллардан бири. Шундай эмасми?

— Мустақиллик йилларида бир неча мактаб ва боғчалар қурилди ҳамда сифатли таъмирланди. Айни пайтда 200 дан ошиқ мактабларни таъмирлаш ишлари давом эттирилаяпти. Режага кўра, 2003 йилга бориб, вилоятда бирорта ҳам таъмирталаб мактаб қолмаслиги керак. Айни пайтда 2 та академик лицей, 20 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатаяпти, янгиларини қуриш давом этмоқда. Қурилиш сифатини шахсан вилоят ҳокимининг ўзи назорат қилиб бораяпти.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ўнинчи сессиясида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг бажарилиши масаласи муҳокама қилинди. Қайд этилганидек, яхши ўзгаришлар бор. Мактабларга 326 та компьютер, 6529 та парта, 705 та доска, 1150 дона стол-стул ва бошқа жиҳозлар олиб берилди. 5 та мактаб, болалар шифохонасини жиҳозлаш учун 918 минг АҚШ доллари миқдоридаги Япония гранти олинди.

Агар 2001 йилги натижани олсак, вилоят ёшларининг олий таълим даргоҳларига ўқишга кириши мамлакатда 8-ўриндан 5-ўринга кўтарилди. Битта ўқувчимиз Америкада ўтган халқаро олимпиадада математика фанидан учинчи ўринга сазовор бўлди. Касб-ҳунар масканларида 32 нафар фан номзодлари таълим беришмоқда.

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ва Қарши давлат университетида олий ихтисосли кадрларни тайёрлаш яхшиланиб бормоқда. Чунки ўқитиш, илмий изланиш борасида сезиларли ютуқлар бор. Масалан, кейинги беш йилда бу олий таълим даргоҳларида 50 та номзодлик, 10 та докторлик илмий иши ҳимоя қилинди. Ҳозир 80 дан ошиқ аспирант ва докторантлар тадқиқот олиб боришмоқда. Биргина муҳандислик-иқтисодиёт институтида кейинги беш йилда 25 та кашфиёт учун патент олиниб, 20 та илмий тадқиқот ишлаб чиқаришга жорий этилди. Институтнинг уч нафар талабаси чет элдаги таълим даргоҳларида таҳсил олмоқда.

Мен айрим ютуқларни тилга олдим. Бироқ камчилик ва муаммолар ҳам бор. Боғчаларда чет тилларни ўқитадиган мутахассислар етишмайди. Мактабларга раҳбарлик, таълимни ташкил этишда хатолар юз бермоқда. Шунинг учун ҳам вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи, Қарши шаҳри, Яккабоғ, Китоб, Шаҳрисабз туманлари таълим бўлимлари раҳбарлари лавозимидан озод қилинди. 189 та мактаб директори малака синовларидан ўта олишмади. Гап раҳбар алмаштиришда эмас, албатта. Иш бошига ташаббускор, замон билан ҳамқадам етакчилар келиши зарур. Бошқача бўлиши мумкин эмас.

— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат!

■ **Суҳбатдош:**
Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ФУТБОЛ

БИР-БИРИГА ЎХШАМАГАН ЎЙИНЛАР

Олий лига жамоалари бир ойлик танаффусдан сўнг 24-тур учрашувларини ўтказишди.

Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси мухлислари севимли футболчиларининг йирик ҳисобдаги ғалабаларига ўрганиб қолишган. Сўнгги турда пахтакорчилар ўз майдонларида Жиззахнинг «Сўғдиёна» футболчиларини қабул қилишди. Чемпионат ва Осиё чемпионлари лигаси учрашувларида муваффақиятли тўп сураётган тошкентликлар рақибларининг жиддий қаршилигига дуч келишди. Гарчи, «Сўғдиёна» футболчилари пахтакорчилар жарима майдончасида кўплаб хавфли вазиятлар содир этишган бўлса-да, ҳал қилувчи паллада улардан унумли фойдалана олишмади. Оқибатда мезбонлар жиззахликларни «жазолашди». Марат Бикмаев ҳамда Анвар Солиевлар киритган икки тўп «Пахтакор»га навбатдаги муҳим ғалабани тақдим этди.

Қолган учрашувлар қуйидаги натижалар билан тугади: «Трактор» — «Насаф» — 2:4, «Самарқанд-Д» — «Қўқон-1912» —2:1, «Бухоро» — «Зарафшон» — 0:0, «Машъал» — «Дўстлик» — 3:1, «Навбаҳор» — «Сурхон» — 1:0, «Андижон» — «Нефтчи» —1:1, «Металлург» — «Қизилқум» — 2:2.

16 октябрда бўлиб ўтган 28-турнинг кўчирилган учрашуви: «Нефтчи» — «Сурхон» — 4:0.

25-тур ўйинлари 26 октябрда ўтказилади.

ЯПОНИЯЛИКЛАР WILD CARD СОҲИБИ

Пойтахтимиздаги «Тошкент» теннис марказида илк маротаба ўтказилган Осиё чемпионати ниҳоясига етди. Бир ҳафта мобайнида қитъамизнинг ўн тўрт давлати спортчилари ғолиблик учун кураш олиб боришди.

Эркаклар ўртасида дастлабки учрашувларда мамлакатимизнинг етакчи теннисчилари Олег Огородов, Дмитрий Мазурларни мағлубиятга учратган қозоғистонлик Алексей Кедрюк ярим финалда Гоичи Мотомура (Япония)га ютқазди — 6/7(7), 5/7. Чорак финалда вакилимиз Вадим Куценкони доғда қолдирган ҳиндистонлик Роҳан Боланна эса ҳал қилувчи баҳсда йўлланмани қўлга киритди. У ярим финалда Ен-Сун Лю (Хитой Тайпейи) устидан ғалаба қозониб, 2003 йил январда ўтадиган Австралия очиқ чемпионатига wild card (ташрифнома) соҳиби бўлишга жуда яқин турганди. Аммо, Роҳан рақиби Гоичи Мотомуранинг тажриба ва маҳорати олдида ожизлик қилди — 4/6, 3/6.

Аёллар баҳсида ҳамюртимиз ўн олти ёшли Иванна Исроилова йигитларимиз эришмаган муваффақиятга сазовор бўлди. У финалгача барча рақибларини ютди. Фақат ҳал қилувчи учрашувда Иванна ўзига нисбатан беш ёш катта ва мусобақанинг биринчи ракеткачиси Акико Моригами(Япония)га имкониятни бой берди — 2/6, 1/6. Вакилимиз гарчи бош совринни қўлга киритмаган бўлса-да, унинг хатти-ҳаракатлари мутахассисларда яхши таассурот қолдирди.

Микст (аралаш жуфтлик) учрашувларида омад индонезияликларга кулиб боқди. Эътиборлиси, бу баҳслар-нинг иккала финалчиси ҳам бир юрт вакиллари бўлишди. Суванди Суванди-Лиза Андриани жуфтлиги Петер Хандоё-Вукирашин Савондориларни кортдан бош эгиб чиқишга мажбур этишди — 6/4, 1/6, 1/0 (10-6).

Ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросимида Осиё теннис федерацияси президенти Ичи Каватей, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмоновлар иштирок этди. Австралия теннис федерацияси вакили Жи Ричи ғолибларга келгуси йили Мельбурнда ўтадиган нуфузли мусобақада қатнашиш ҳуқуқини берувчи йўлланмаларни топширди.

■ **Эркин ХОЛБОБО,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманидаги «Булбулигўё» фольклор-этнографик ансамбли боқий қадриятларимиз йўлида изланиб келмоқда.

■ Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

11,14,16 октябрь кунлари ўтказилган биржа савдоларида
2 та кўчмас мулк —
72 250 000 сўмга,
14 та автотранспорт воситаси —
4 825 000 сўмга сотилди.
Жами савдо натижалари — 77 075 000 сўм.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй.
Телефонлар:
144-44-73, 144-71-78.

«ОРОЛБЎЙИ ОНАЛАРИ ВА БОЛАЛАРИГА»

«ЭКОСАН» халқаро жамғармаси ташкил этаётган экология ва саломатлик кунларининг учинчи босқичи бўйича навбатдаги тадбир ўтказилди. Бу тадбир умумреспублика экологик ҳашари бўлиб, «Оролбўйи оналари ва болаларига» шиори остида уюштирилди. Ҳашарда ёзувчи ва шоирлар, давлат арбоблари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, санъаткорлар, олимлар иштирок этдилар. Бундай тадбирни ўтказишдан мақсад юртимизда барқарор экологик муҳитни яратишдан иборатдир. Маълумки, экологик ноқулай минтақаларда яшовчи аҳолига ижтимоий, инсонпарварлик ва тиббий ёрдамлар кўрсатилмоқда.

Оролбўйи муаммоси ҳозир барчанинг диққат марказида. Муаммоларни ҳал қилиш, минтақада экологик ҳолатни мўътадиллаштириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, турмуш даражасини яхшилаш борасида кенг миқёсли халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш йўлида саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Албатта, ҳашардан тушган маблағ Оролбўйида истиқомат қилаётган аёллар ва болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, қариялар манфаатини ҳимоя қилиш каби тадбирларга сарфланади. Пойтахтнинг Ботаника боғида бўлиб ўтган экологик ҳашарда тозалаш, саранжом-сарištалаш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

■ **Соҳибжон САЛИМОВ**

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

2002 йил 28 ноябрь, 5,12 декабрь кунлари соат 11.00 да республика Биржалар маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига эркин муомаладаги валютага сотиладиган қуйидаги объект қўйилади:

Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳрида жойлашган 1-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (1-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 19054,0 АҚШ доллари.

Шунингдек, ушбу аукцион савдоларига миллий валютага сотиладиган қуйидаги объект ҳам қўйилади:

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибидаги, «Сурхонирқурилиш» трестига қарашли «Денов қурилиш монтаж бошқармаси» МЧЖ Низом жамғармасининг 90 фоизи.

Бошланғич баҳоси — 54000,0 минг сўм.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Имкониятингизни бой берманг!

Савдоларда қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлаши шарт.

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хориж-лик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси. Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75. Факс: 136-06-17. www.uzrkmb.com

Газетанинг навбатдаги сони 26 октябрь, шанба куни чиқади.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.

Navbatchi
Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 971

11205 nusxada bosildi
uzb ovozi@sarkor.uz.

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA